

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КУЗАТУВЧИЛИК МАҚОМИ

ЕВРООСИЁ ИНТЕГРАЦИЯСИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

Ўзбекистон ва ЕОИИга аъзо давлатлар транспорт коммуникациялари ҳамда инфратузилмаси чуқур интеграциялашган ва ўзаро яқиндан боғланган. Бундан ташқари, кенг Евроосиё минтақаси доирасидаги манфаатли муносабатларга меҳнат ресурсларининг юқори даражадаги мобиллиги хосдир.



Шу нуқта назардан, меҳнат миграцияси соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиш мумкин аҳамиятга эга. Бу аҳоли бандлиги билан боғлиқ қўллаб қўллаб масалаларни ҳал қилиш ҳамда иштиндор давлатлар иқтисодиётларининг малакали мутахассисларга тобора ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилади.

Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги жараёнларга қўшилиши ташкилотни 200 миллиондан зиёд умумий бозорларга эга катта "йўлчи"га айлантиради. Айни пайтда ташкилот фаолиятини ижобий ўзгаришга олиб боради. Чунки ЕОИИ пайдо бўлганидан бери биринчи бор деярли 35 миллион нафусли йирик давлат қўшилиши юз бермоқда.

Интеграция ҳар икки томондан катта саъй-ҳаракатлар ва трансформацияни талаб қилиши табиий. Бу эса ҳам ЕОИИ, ҳам Ўзбекистон учун жиддий синвон бўлади. Экспертлар таъкидлаётганидек, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро ҳамкорлиги сиёсий конъюнктурадан холи, прагматик, фақат иқтисодий мақсадлар ва миллий манфаатлар асосига қурилади.

Денгиз йўлига чиқамиз

Кузатувчилик оралик мақом бўлиб, у мамлакатимизга ўз қўнчилигини интеграцион бирлашма талабларига мувофиқ яқинлаштириш мажбуриятини юклайди. Гап шундаки, асосий савдо шеркисларини Марказий Осиё давлатлари ва Россиялар билан ҳамкорлик қилиш Евроосиё иқтисодий иттифоқида аъзо шериклар билан ҳамкорлик учун меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш Ўзбекистоннинг стратегик манфаатлари нуқтаи назаридан мантуқийдир.

ЕОИИдаги жараёнларга қўшилган эканми, иттифокнинг умумий транспорт бозорини барпо этишда қатна-

яниги истиқболли савдо бозорларига "чиқиш" имконини беради. Февраль ойи бошида Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ҳукуматлари Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини қуриш бўйича йўл харитасини имзолади. Хужжатга кўра, лойиҳани май ойида тайёрлаш режалаштирилган, йўл қурилиши эса сентябрда бошланади.

Эслатиб ўтамиз, 2018 йилнинг декабрида Ўзбекистон, Россия, Қозғонистон, Афғонистон ва Покистон темир йўли компаниялари раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтган эди. Унда Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши бўйича қўшма ишчи гуруҳ ва молиявий консорциум ташкил қилиш ҳақида келишиб олинганди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра,

Миграциянинг фикрига кўра, Ўзбекистон ЕОИИ бозорига рақобатбардор маҳсулотларни тақлиф қила оладиган давлатлар қаторига қиради. У нафақат қишлоқ ҳўжалиги хом ашёсига, балки қайта ишланган ва саноат маҳсулотларига эга мамлакатдир.

Юртимиз экспортда енгил саноат ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорти табиий ресурслар ҳамда тангли металллардан кейин учинчи ўрдада бўлиб ўтган эди. Унда Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши бўйича қўшма ишчи гуруҳ ва молиявий консорциум ташкил қилиш ҳақида келишиб олинганди.

2020 йил 11 декабрда Ўзбекистон

Республикаси Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомини олди.

ЕОИИга аъзо давлатлар билан Ўзбекистон

Республикасининг ташқи савдо айланмиси **9 829,5 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИНИ**

ташқил этди.

Шундан экспорт ҳажми **3 175,5 МИЛЛИОН**

импорт ҳажми эса **6 654,0 МИЛЛИОН** АҚШ долларига етди.

лоийха қиймати — 5 миллиард доллар. Темир йўл узунлиги 573 километри ташкил қилади. Ундан йилга 20 миллион тоннагача юк ташши мумкин. Келажакда мазкур тармоқ Жануби-Шарқий Осиё давлатларидан бошланиб Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Қозғонистон, Россия ва Европагача бўлган глобал "транспорт коридори"га айланиши мумкин.

Нисбий устунлик имконияти

МДҲ давлатлари институти иқтисодиёт бўлими бошлиғи Аза

порт. Мамлакатимиз импортнинг учдан бир қисмини машиналар, ускуна ва механизмлар ташкил этади. Ушбу йўналишдаги асосий ҳамкоримиз Хитой эканлиги сабабли мазкур товарлар нарҳининг тушиши, натижада импорт харажатлари камайишига эришилиши мумкин.

Кузатувчилик мақоми бизга Евроосиё иқтисодий иттифоқининг турли тузилмаларида ўз вақилинмига эга бўлиш, қўшимча маълумот олиш ва бу учрашуларда катнашиш имконини беради. Бироқ кузатувчи сифатида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаймиз. Мазкур мақом ҳеч қандай савдо преференциялари ёки иқтисодий

устуниликларни назарда тутмайди. ЕОИИга аъзо давлатлар ҳудудида амал қиладиган қоидалар Ўзбекистонга тааллуқли эмас. Ушбу давр мобайнида республика иттифоқда иштирок этишининг барча хатар ва фойдали томонларини баҳолаш имкониятига эга бўлади.

ЕОИИ — иқтисодий ташкилот

Ўзбекистон ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасидаги муносабатлар атрофида турли-туман гап-сўзлар айтилмоқда. Бу, табиий. Аммо бу тузилма иқтисодий ташкилот эканлигини эсдан чиқармаслик жоиз. У аъзо мамлакатлар суверенитетига таъсир қилмаслиги, давлатларнинг бири томонидан бошқасига, ҳатто иқтисодий таъкир ўтказиши мумкин эмас. Айни чоғда Ўзбекистоннинг ЕОИИга киришига сиёсий тус бериш ноўрин. Ташкилотга аъзо давлатларни ўзаро манфаат бирлаштириб туришини эътибордан соқит қилмаслик жоиз.

Иқтисодий интеграциядан асосий манфаат мамлакат фаровонлиги ва ривожланишидир. Тан олиш керак, Ўзбекистоннинг ЕОИИга кириши туфайли айрим хавф-хатарлар юзга келиши мумкин. Биринчи навбатда, ички бозордаги хорижий инвесторлар ҳимоиси, аъзо давлатларга жаҳон сиёсатидаги муаммолар таъсири, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жиддий рақобатга дуч келиши каби омиллар шулар сирасидан. Аммо булар мавридди билан ҳал этилиши мумкин. Энг асосийси эса Ўзбекистоннинг ушбу тузилма билан ҳамкорлиги ҳаётиимизга қандай ўзгаришлар олиб келишидир.

Нодира АБДУСАЛОМОВА, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Бухгалтерия ҳисоби кафедраси мудири, иқтисодий фанлари доктори (DSc).

ОЛИС ОВУЛЛАРГА «САХОВАТ КАРВОНИ» ЕТИБ БОРДИ

Халқимиз ҳаётининг фаровонлигини таъминлаш, олис туман ва қишлоқларда истиқолат қилаётган юртдошларимизнинг турмуш даражасини яхшилашда маҳаллабай тизими мумкин ўрин тутмоқда.

Эзгулик

Олис манзиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши суст бўлган қишлоқ ва овул аҳлига амалий ёрдам қўрастиш, улар ҳолидан хабар олиш, моддий ва маънавий қўмак бериш мақсадида Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўлпир тумани марказидан 20 километр масофада жойлашган Жанадарё ҳамда 35 километр узоқликдаги Белтау овулларига "Саховат карвони" уюштирилди.

Айтиш жоиз, мазкур овулларда аҳоли саломатлигини мустақамлаш, уларга бериладиган тиббий маслаҳат ва муолажалар сифатини ошириш мақсадида Мудоффа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали ҳамда Нукус ҳарбий госпитали, шунингдек, туман тиббиёт бириламиси шифоқорларидан иборат тиббий бригада томонидан бир неча

кун давомида чуқурлаштирилган тиббий қўриқлар ўтказилди. Шунингдек, аҳолига ёрдам бериш мақсадида ҳарбий хизматчилар овулларда ободонлаштириш, фуқаролар томоқларини баҳор мавсумига тайёрлаш ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Нукус шаҳридан йўл олган "Саховат карвони" Тахтақўлпир тумани ҳокимлиги мутасаддири билан ҳамкорликда икки овулга бўлиниб, у ерда ижтимоий қўмакка муҳтож юртдошларимизга меҳр-саховат улашди.

Халқимизни янада бирлаштиришга, баҳамжиҳат бўлишга ундаётган ушбу гуманитар акция доирасида Жанадарё овулидаги 30 дан зиёд кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда жисмоний имконияти чекланган фуқароларга бирламчи озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар тарқатилди. Бу каби хайрли ишлардан Белтау овули аҳли ҳам баҳраманд бўлди.

«Халқ сўзи».

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ СИНЕРГИЯСИ

Корхонанинг рудаларни қайта ишлаш қуввати мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида 20 миллион тонна атрофида эди. Олиб борилган реконструкция ва модернизация тадбирлари туфайли бу кўрсаткич қарий бир бараварга оширилди. Мазкур жараён мавжуд тегиридон ҳамда блоklar қувватини кучайтириш, янги технологияларни жорий этиш орқали бажарилди.

— Модернизациялаш ишлари, ишлаб чиқариш қувватларининг босқичма-босқич ошириш борилиши, кудратли техника ва технологиялар билан жиҳозланиши, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилиши натижасида ўттиздан ортик ишлаб чиқариш тармоқларини бирлаштирган бошқармавиш тармоқига айланди, — дейди НКМК Марказий кон бошқармаси директори Отабек Мустақимов. — Бугун Мурунтов конида бешинчи босқичнинг ишга туширилиши натижасида рудани минг метрга чуқурликдан қазиб олиш ва йилга 50 миллион тонна рудани қайта ишлаш имконига эга бўламиз.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз Президентини ташаббусқори бўлган Навоий кон-металлургия комбинатини ривожлантиришнинг 2026 йилгача бўлган даврга мўлжалланган дастурини муваффақиятли рўёбга чиқариш доирасида ўтган йили 2-гидрометаллургия заводи қувватларини кенгайтириш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилди. Бу, таъбир жоиз бўлса, пилқода кетмонга даста йўншидек осон иш эмас. Айниқса, кончиллик тармоғида бир қатор тизимлар фаолиятини илмий-иқтисодий асосланган янгилик атрофида бирлаштириш тақозо этади.

Чунинчи, шу мақсадда комбинатда "Техник аудит натижаларига кўра технологик қувват ва ёрдамчи ускуналарни алмаштириш" тизими йўлга қўйилган. Унинг ҳулосалари натижаларига кўра, бир неча ўнлаб инвестициявий лойиҳалар белгиланади. Мақсад — йирик саноат корхонасининг кўмакчи металлургия ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш, маънавий ҳамда техник жиҳатдан эскирган ускуналарни ўз вақтида янгилашдир. Шу каби техник аудит натижалари ва техник ечимлар асосида технологик, энергетик ҳамда ёрдамчи ускуналарни босқичма-босқич алмаштириш бўйича тармоқ жадвалига биноан 2020-2021 йилларда 2-гидрометаллургия заводи учун "МШЦ 55х65" русумли шарли тегиридон сотиб олиш режалаштирилган эди.

НКМК маъмурияти валютани тежаш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш мақсадида ушбу тегиридон Навоий машинасозлик заводида ишлаб чиқаришга қарор қилди. Завод бош муҳандиси бошчилигида даст-

гоҳсозлик конструкциясининг иқтисодлаштирилган конструкторлик бюроси дизайнлари, бош технолог, бош металлур, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва инновацион технологиялар бўлими технологларидан иборат гуруҳ шакллантирилиб, улар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.

Тегиридонни ўзлаштириш ишларини, мутахассислар рудаларни майдалаш қувватларининг эксплуатацияси, уларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ жараёнларни жойида ўрганган ҳолда 2-ГМЗ муҳандис-технологлари билан ҳамкорликда конструкция лойиҳаси ва технологияси учун зарур ҳужжатларни тўлдиладилар.

Шу асосда шарсимон тегиридонни яратиш, йиғиш билан бирга, унинг ҳар бир алоҳида қисмларини мослаштириш, электр таъмино-



ти ҳамда юклаш ва бўшатиш каби жараёнлар билан боғлиқ мураккаб вазифаларнинг лойиҳалари тайёрланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунда тегиридоннинг катта ўлчамлари ҳамда оғирлиги ҳисобга олиниб, уни ишлаб чиқариш майдончасига етказиш ва ўрнатиш жараёни ҳам назардан четда қолмади.

— Қозон-пайвандлаш цехи имкониятларидан фойдаланган ҳолда умумий оғирлиги 56 тоннадан ортик бўлган, тегиридонни барабани жўваланди, — дейди Навоий машинасозлик заводи бош муҳандиси Каримжон Абдуллаев. — Ўрнатишга кетадиган вақтни қисқартириш мақсадида ҳар бирининг оғирлиги 48 тоннадан бўлган юклаш ва бўшатиш ташқи деворлари қопламани гулчак ҳамда ўқнинг подшипникда айланувчи қисми билан бирга йиғишга қарор қилинди. Бу шунга мис чангакка эга махсус мосламани талаб этади ва у Навоий машинасозлик заводи мутахассислари томонидан тайёрланиб, икита қисм ёрдамида ўрнатилди.

Табиийки, бундай йирик лойиҳанинг ўзлаштирилишида Навоий машинасозлик

заводи қувов цехи металлургия ҳам ўз бўлими, тажриба ва салоҳиятларини ишга солди. Тегиридоннинг бутловчи қисмларини қўйишда пўлатни узлуқсиз қўйиш технологиясидан фойдаланилган ҳолда рекорд қўрсаткич — эритилган металл оғирлигининг 28 тоннадан ошшишига эришилди. Шу тахлит шарли тегиридонни тайёрлашда қўй-мангиз умумий оғирлиги 350 тоннадан ошди.

Ўтган йили октябр ойида тегиридон блоklarини 2-гидрометаллургия заводида жўнатиш бошланиб, қурилиш, ўрнатиш, монтаж ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш ишлари белгиланган жадвал асосида амалга оширилди. Ўтган йилнинг 26 декабри кун "МШЦ 55х65" русумли шарли тегиридоннинг ишга туширилиши Ўзбекистон кончиллиги тарихидаги йирик воқеалардан бири сифатида қайд этилди. Биринчи марта республикада оғирлиги 580 тоннадан ортик бўлган бундай мураккаб технологияли ускуна ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди.

— Ушбу тегиридоннинг ўрнатилиши за-

водимиз қувватини оширишга қўшимча равишда йилга 1,4 миллион тонна рудани қайта ишлаш имконини беради, — дейди 2-ГМЗ бош муҳандиси Ҳамид Кенжаев. — Энг муҳими, икки миллион АҚШ долларидан ортик валюта маблағлари тежашга эришилди. Албатта, бу ютқунинг бош омилли комбинат тизимидидаги барча бўғинлар — металлургия, конструктор ва лойиҳачилар, муҳандис ва қурувчилар, лаборант ва дизайнёрлар фаолиятининг ягона мақсадига йўналтирилганлигидир.

Қисқаси, ҳар қандай табиий ва моддий бойликларнинг чек-чегараси бор. Бироқ интеллектуал бойлик битмас-туганмас.

Тахририятдан: ушбу мақола чоп этишга тайёрланаётганда хушхабар тарқалди. Канададаги КИТсо тахлиллар маркази 2020 йилда олтин қазиб олиш бўйича етакчи ўнта кон рўйхатини эълон қилди. Мазкур рўйхатда Мурунтов кони биринчи ўрини эгаллагани тахсинга саборин.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).
Азизмат ЗАРИПОВ олган суратлар.

ТАХРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН МАҚОЛАГА ЭЪТИБОР — МУАММОГА ЭЪТИБОР

Журналистика катта масъулият демакдир. Танқидий-таҳлилий мақола тайёрлаш осон иш эмас. Бу журналистдан кенг мушоаҳада, чуқур изланиш ва қатъий позицияни талаб этади. Чунки танқид қилган эмас, таҳлил қилган, муаммонинг юзга келиш сабаби ва унинг оқибатини очиб берган журналист энг маҳоратли, бундан бери тўғри ОАВ жамиятининг ҳақиқий кўзгуси. Бундан қўзланган мақсад — кимнидир айбдор қилиш эмас, балки муаммога эътиборни жалб этиш, унинг ечимини бўйича керакли чоралар кўрилишига эришилшидир.

Шу боис газетамизда чоп этиладиган ҳар бир танқидий-таҳлилий материалга мутасаддиларнинг муносабати биз учун жуда муҳим. Эро, агар давлат органлари тезкорлик билан ҳаво қайтарса, илтимойий тармоқларда турли асоссиз маълумотлар, фикрлар билдирилишига ўрин қолмайди.

Бу борада, аввало, Бухоро вилояти ҳокимлигининг ҳозир жаваблилини эътироф этиш жоиз. Вилоят раҳбарияти "Халқ сўзи" газетасида чоп қилинган ҳар бир танқидий мақолага расмий жавоб қайтариб, муаммоларни бахтарараф этиш юзасидан қўрилган чоралардан бизни баҳардор қилиб келмоқда.

Хусусан, махсус муҳбиримиз Истам Иброҳимовнинг газетамизда 2021 йил 12 феврал кун чоп этилган "Бухоронинг тарихий қўғиёси сақлаб қолинадими?" сарлавҳали мақоласи юзасидан вилоят ҳокимлиги берган маълумотга кўра, ҳақиқатан ҳам, мақолада ўринли муаммолар ўртага ташланган бўлиб, мазкур масалалар зудлик билан ҳал қилинмаса, "Бухоро тарихий маркази"нинг асл қўғиёси ўзгартири кетиши, бу эса шаҳардаги объектларнинг ЮНЕСКО Уммуҷаҳон мероси рўйхатидан чиқариб юборилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирда "Бухоро тарихий маркази" ва унга ёндаш ҳудудда Маданий мерос департаментининг Илмий-эксперт кенгаши билан келишимлар ҳолда ўзбошимчилик билан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилишининг олдини олиш мақсадида вилоят маданий мерос бошқармаси томонидан тегишли тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда. Аниқларини нақонун қурилишлар бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб, белгиланган тартибда суд органларига тақдим этилпти.

Шу билан бир қаторда, мазкур ҳудудда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб бориш учун Давлат хизматлари агентлиги томонидан бериладиган руҳсатномаларни расмийлаштириш жараёнида талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхатига Маданий мерос департаментини Илмий-эксперт кенгаши ҳулосасини киритиш бўйича тақлиф ишлаб чиқилмоқда.

Ҳокимлик Илмий-эксперт кенгашига тақдим этилган қурилиш, таъмирлаш, реставрация ва консервация бўйича лойиҳалар узоқ муддатларга қўриб чиқилаётгани юзасидан ҳам ўз муносабатини билдириб, мазкур лойиҳаларни ҳам илмий, ҳам техник жиҳатдан ўрганиб чиқиш кўп вақт талаб этадиган жараён эканлигини таъкидлаган. Айни чоғда, мазкур лойиҳаларни қўриб чиқиш учун тўловларни камайтириш юзасидан Маданият вазирлигига тақлиф киритилганлиги айтиб ўтилган.

Муаллифининг Бухоро вилоятидан тайёрлаган яна бир танқидий-таҳлилий материал — газетанинг жорий йил 19 февраль сонида чоп этилган "Чорчинорнинг чинорлари қани?" сарлавҳали мақола юзасидан ҳам ҳокимлик ўз муносабатини билдирган.

Маълум қилинишича, мақолада тилга олинган етти асрлик чинор дарахтининг атрофи вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Когон тумани инспекцияси томонидан ободонлаштирилиб, чиқиндилардан тозаланган. Шунингдек, март ойининг биринчи ўн кунлигида бу ерга дарахтининг номи, ёши, манзили, давлат таъкид ёдгорлиги сифатида рўйхатга олинган санаси кўрсатилган махсус белги ўрнатиш ва муҳофазага олиш ишлари амалга оширилиши раҳалаштирилган.

Газетамизда кўтарилган муаммоларга Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан жиддий эътибор қаратаётгани ва уларни бартарараф этиш бўйича тегишли чоралар кўрилатгани бизни хурсанд қилади, албатта. Аммо, афсуски, барча раҳбарлар ҳам масалалар шундай ёндашпти, деб айта олмаймиз.

Хусусан, юқорида айтиб ўтилган мақолада юзасидан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳалигача муносабат билдирмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бундай мисолларни эса истганча келтириш мумкин. Кўп узоққа бормаймиз: шу йил 13 февраль кунини газетамизда чоп этилган Ш. Жабборов ва Т. Эргашев ҳаммуаллифлигидаги "Қаровсиз йўллар қачон равон бўлади?" сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақоласига Жиззах вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридидаги Автомобиль йўллари қўмитаси, газетанинг шу сонида чоп этилган журналист Ш. Тўлагановнинг "Эски шаҳар" асл қўғиёси керак" сарлавҳали таҳлилий мақоласига Тошкент шаҳар ҳокимлиги, 11 февраль кунини чоп этилган О. Номозовнинг "Тириклик... тирикчиликми?" сарлавҳали танқидий мақоласига Наманган вилояти ҳокимлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, айнан шу муаллифининг 18 февраль кунини чоп этилган "Балиқчида" ҳамма ишлар жойида, ҳеч бир муаммо ҳокимлиги "ми?" сарлавҳали мақоласига Андижон вилояти ҳокимлиги ўз муносабатини билдирди, деган умиддамиз.

Енгилликни оғирлик яратади, деганларидек, бу мақолаларда аҳолини қўлдан берган йўналишга келаятган долзарб муаммолар ўз аксини топган. Айнан уларнинг ечимларини боис йиғилиб-йиғилиб, ноҳус манзарани ҳосил қилгани ҳеч кимга сир эмас. Ва яна уша гап — чиққон даволанмаса маддалани аниқ. Нафақат элу юрт, балки виҳдон олдида ҳам юзасидан ёрғу бўлиши учун эса ўнта муаммони яшириш эмас, юзасидан баралла айтиш ва ҳал этиш даркор. Эро, одамлар оғирини енгил қилиш, ҳаётдан рози бўлиб яшашларига қўмаклашиш барча бўғиндаги раҳбарларнинг асосий вазифасидир. Демак, муаммоларнинг бартарараф этилиши эса мутасаддиларнинг ўз вазифаларига қай даражада масъулият билан ёндашуви ҳам бевосита боғлиқдир.

«Халқ сўзи».

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ХОРЕОГРАФИЯ АКАДЕМИЯСИ

вакант (бўш) ўринларга танлов эълон қилади.

1. Хореография кафедраси: доцент — 1 ўрин;
 2. Санъат назарияси ва тарихи кафедраси: доцент — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин.
- Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Ректор номига ариза;
 2. Ходимнинг шахсий варақаси;
 3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
 4. Паспорт нусхаси;
 5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
 6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
 7. Меҳнат дафтарасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мuddат ичида қабул қилинади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.
Телефонлар: 71-215-55-94, 71-215-56-98.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати дувони масъул ходим Кудратали Маматисаевага волидаи мувотарамаси

ХОЛИСХОН АЯНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси жамоаси ва Касаба уюшмаси қўмитаси ассоциациясининг Ҳафсизиллини таъминла

ҲАР БИР ИШГА ҚУНТ, ИЛМ ВА АҚЛ БИЛАН ЁНДАШСАК,

МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТА ОЛАМИЗ



2020 йилги "кўринмас ёв" халқимизни турли синоу имтихонлардан ўтказди. Ўтган ўтди, қолганлар оёққа туриш, йўқотишлар ўрнини тўлдириш устида бош қотирмоқда. Мамлакат раҳбарияти пандемия асоратларини бартараф этишга интиломда. Бу борада давлатнинг бош ислохотчилик маҳорати яна бир қарра ўзини оқлаётир, дейишга ҳақлимиз.

Ўтган йилнинг март ойда бошланган пандемия халқимиз учун жуда машаққатли кечди, албатта. Сардобадаги техноген, Бухородаги табиий офатлар... Аммо қишлоқлардаги одамлар билан жонли мулоқотни

кечктириб бўлмаганини англаган раҳбарият олимлар, адиллар, шоирлар, санъаткорлардан иборат гуруҳларни шакллантириб, туманларга юборди. Бундан кўзланган мақсад — одамларга маънавий ва руҳий мадад бериш, келажагига ишонч тугдириш ва ижтимоий фаолликка ундаш эди.

Меҳнаткаш, сабр-иродали халқимизнинг менталитетига улкан қудрат яширинган. Тарихдан аёнки, ҳар қандай давлат халқ билан кенгашиб ишлагандагина кўзланган мақсадга эришади. "Салтанатда тўрт нарсага амал қилгин, яъни: биринчиси, кенгаш; иккинчиси, машварат; учинчиси, қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик; тўртинчиси, эҳтиёткорлик. Шунда қилган ишларинг бошга пушаймонлик ва надомат

келтирмагай", дейди буюк давлат арбоби Амир Темур ўз тузуқларида.

Мамлакатимизда ҳам Соҳибқирон бобомизнинг ўғилларига амал қилиниб, халқ билан маслаҳатлашиш, қонун ва қарорларни муҳокама қилиш жараёни кечмоқда. Халқ қабулхоналари, Президентнинг виртуал қабулхонаси, вилоятларда навбатчи билан сайёр қабуллар тизими ишлаётгани, жумладан, кейинги тўрт йилда аҳолининг 4 миллиондан зиёд муурожаатлари юқори идоралар томонидан қўриб қилиниб, аксар қисми ижобий ҳал қилингани фикримизнинг исботи бўла олади.

Долзарб мавзу

Аммо вақт қутиб турмайди. Глобаллашув жараёни ҳокимиятдан тезкорлик ва аниқлиқни талаб қилади. Биз, фуқаролар 2020 йил сўнгида ўтказилган бир қанча сиёсий таълимлар, жумладан, декабрь ойида Ўзбекистон ёшлари форуми, Президентимизнинг парламентга Муружатномаси шохиди бўлди. Телевидение экранларидан кўз узмай халқимиз бўладиган ўзгаришларнинг дастлабки сандосини эшитди: Ўзбекистонда сиёсий ислохотлардан нима кутилмоқда? Нега қарорлар ижроси секин кетмоқда? Биз замон талаби даражасида қачон ўзгарамиз? Албатта, бу саволлар бугун кўпчилиқни қизиқтирмоқда.

Февраль ойда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш масаласи юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз юқоридаги саволларга муфассал жавобни айтди: бу дастури хануз давом этаётган пандемия шaroитида, глобал инқироз кучайиб бораётган мураккаб бир вазиятда амалга оширишимизга тўри келади. Ҳар қанча қийин бўлмасин, 500 минг нафар ёш ва 200 минг аёлни иш билан таъминлаш ҳамда 300 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш лозим. Агар маълумалар тизимини жойига қўйиб, давлат идоралари дастурдаги вазифаларни қўнб билан, илм билан, ақл билан бажарса, кескин ўзгариш бўлади.

Пандемия шaroитида, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси ошди. Бугунги кунда "темир дафтар", "таблар дафтари", "ёшлар дафтари"га киритилган юртдошларимизни улардан чиқаришда қўнб билан, илм билан, ақл билан ишлашимизга тўри келмоқда.

Жаҳон таърихидаги шунки, ҳар қандай шaroитда ҳам инсон ресурси, шахс омилли, раҳбарларнинг билим даражаси ва салоҳияти, профессионализм мавжуд муаммоларнинг қалитини топишга муваффақ бўлади. Носуд, билимсиз, лоқайди ва бугунги сиёсатдан бебаҳар раҳбарлардан воз кечилади, албатта. Эеро, Соҳибқирон таъбири билан айтганда, "Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиб, аъми қатъий, тadbиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тadbирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир". Демак, жамият ҳаётига дадил кириб келаётган иқтидорли, фидойи ёшлардан умидимиз катта.

Жамият ҳаётининг жони ва руҳи — маънавият

Кўпчилик кутганидек, 2021 йил мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб бурилиш даври бўлади. "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган шiorдан келиб чиқиб, кадрлар сиёсатида кескин қадамлар ташланади.

Фуқаро фикрлаш тарзи, дунёқароши, одамлар билан муносабатига янги қарашлар пайдо бўлиши лозим. Хуқуқий демократик давлатнинг қонун-қондорлари биздан шунга талаб қилмоқда. Агар фуқаро жамиятда кечадиган жараёнлар оқимидан орқада қолгудек бўлса, давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган қонунлар "ишламайди", ҳар қандай жамоатчилик назорати ҳам қўйилган натижа бермайди. Қаночки, фуқаро дунёқароши ва интилиши амалдаги давлат ҳокимияти фаолиятидан олдинда бўлсагина, миллат ҳамда юрт ривожланиши, ақс ҳолда, жамият ҳаётини битта жойда депсиниш, турғунлик юз бераверади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббусига кўра, мактаб, лицей ва институт муаллимларининг маоши оширилиб, жамиятда ўқитувчининг обрў-нуфузини юксалтиришга эътибор қаратилаётгани нақадар тўғри қарор эканлигини кўпчилик чўқур англаб етди.

Ҳар бир мамлакат тақдирини муаллимга, таълим тизимининг сифатига боғлиқ. Мактаблар сўст ишласа, дарслар ўқувчусинга ўтиса, фарзандларимиз мўхитдан беизийди ва савияси тушиб кетади. Ўқитувчи — келажак бунёдкори.

Илм ва маърифатсиз одам йўлини йўқотиши, орзуларини рўёбга чиқариши ақли ҳамда таърибаси етишмаслигини Бехбудий, Ибрат, Фитрат, Авлоний сингари жадид болаларимиз эрта англашган, аҳолини ўнлашга уринишган ва афсуски, қаттол тузум уларни муқофотлаш ўрнига жазолаган эди.



Жадидларнинг ички оғриқлари ва бугунги кун муаммоси миллий-маънавий ўғониш жараёнининг кечикканида, деб биламиз. Шахс ички дунёси, тафаккури ўзгариши билан боғлиқ бундай нуқсонларни фақат мактабларимиз тузата олишга қодир.

Жанубий Африка Республикасидаги университетга кираверишида: "Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узок радиусга таъсир қиладиган ракеталарга ҳожат йўқ. Фақат таълим сифати пасайтирилса ва имтихонларда талабаларга алдаш учун имконият яратилса бас", деб ёзиб қўйилган экан. Нақадар аччиқ ҳақиқат.

Мактабда фикр чарчланади. Фикрсиёзлик — маданият кушандаси. Фикри йўқ одамнинг қиёфаси бўлмайди. Тафаккур йўқ жойда оломонлик ва жоҳилликни кўраимиз. Жаҳоннинг турли минтақаларида юз бераётган талатўллар, тўнтарилар илди-ларига чуқур раэм солалик. Ҳақимган, уюшмаган ёшларга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги шунинг учун кун тартибига чиқмоқда. Халқ таълими тизимида энг катта нуқсон — ёшлар ўртасида ўз фикрига эга бўлмаганларнинг пайдо бўлаётганидир.

Маърифатли мамлакатга айланиш йўли

Азалдан алломалар юрти бўлган Ўзбекистонни маърифатли мамлакатга айлантириш йўлида янада жипслашимиз лозим. Бунинг учун эса янги таълим муассасалари, она тилидаги адабиётлар, ёшлар бирлашмалари ва волонтерлар хизмати керак бўлади.

Нега ўқувчилар адабий асарларни ўқимай қўйишди? Китоб дўконлари ёпилишига сабаб нима? Бунинг боиси шунки, бадий асарлар мазмунини оддий халқ ҳаёти, ўй ва туйғуларига акс этмайди. Сохталик, бақчаналиқнинг телевидение, интернет сайтларида урчиб кетиши одамларнинг билимсизлиги, моддиончиликка ишончи қилиши боисидандир.

Ўқувчи ва томошабин дидини ўстириши масаласи негизда ҳам китоб ўқимаслик муаммосини кўраимиз. Дейлик, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романида, Тоғай Муроднинг асарларида, японларнинг "Ошин" фильмида тасвирланган ҳаққоний драматик ҳаёт воқеалари, одамлар турмушидаги оддийлик, табиийлик ҳаммага бирдай ёқайди. Олди-қочди, енгил-елли нарсалар бугун ўқилмай, эртага унутилади, чунки у инсон қалбидан ўрин ололмайдди. Жамиятда инсон ички оламида инқилоблар ясайдиган, уни руҳан ўзгарирадиган китоблар ҳамда фильмларга катта эҳтиж сезилмоқда. Бунинг учун Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда телеканаллар таърихларида миллат руҳини тарбияловчи бадий фильмлар, юксак савиядаги адабиётлар рўйхати бўлиши тарафдоримиз.

"Оила кутубхонаси" лойиҳаси ҳақида тегишли вазирлик, идора ва ёшлар марказлари аллақачон ўйлаб қўриш вақти келди. Олий маълумотли ҳар бир ўзбек хонадонни маънавиятни, ўз касбий маҳоратини оширувчи янги адабиётларни қўллаб қўлдошга ҳарид этиши даркор.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ янги изматларини йўлга қўйиши, китоблар, газеталарнинг (волонтерлар хизмати) уйга етказилиши замон талабларига мос тарзда, тезкор ташкил қилмоғини сўрадик. Шу тариха мажбурий-ихтиёрий равишда кутубхоналар тизимига асос солаимиз. Тугилган кун, тўй, мактабни битириш сингари турли сабабларга кўра, китобларни хонадонда-хонадон улашиш аънанаси юзага келади (бир-бирига китобларини совға қилиш ҳам яхши аъна). Тахлиллар шундан далолат берадики, уйда китоблар қанчалик кўп бўлса, болалар ҳам улардан шунчалик кўпроқ фойдаланиши мумкин.

Айрим мутасадди агентлик ва идоралар ёрдамида шаҳарларда ҳамда қишлоқ ҳудудларида айланиб юрвчи кўчма кутубхоналарни ҳам ташкил қилиш имкониятини унутмайлик. Агар шундай ташаббусларга қўл урилса, фуқароларимизнинг

раҳбар тайинланди. Биз миллат келажакини ўйлаган янги вазирнинг илгор ташаббусларини ҳар жиҳатдан қўллашимиз керак. Фирмиконга, олий таълим соҳасида замонага мос чуқур ислохотлар бошланиши ва коррупцион ҳолатларнинг қайтаги қўтилмоқда.

Ренессанс — янгидан тугилиш демек

Ренессанс (уйғониш, янгидан тугилиш)нинг асосий аломатлари: тафаккурда ва илму ижодда доғматизм, жаҳолат ҳамда мутаассибликни ериб ўтиб, инсонни улғулаш, унинг истеъдоди, ақлий, фикрий имкониятларини юзага чиқаришдир.

Маълумки, XVII асрдан истилочилар дунёни, жумладан, Шарқ мамлакатларини бирма-бир бўйсундиргандан кейин, биринчи навбатда, Курьонинг нуфузи ва макомини пасайтиришди. Инсон қалби, руҳияти, фикрларини чеклашга ўтилди, мусулмонларнинг тўғрилиги, йимонилик, комиллик сари интилиши иккинчи даражага туширилди. Шарққа йўл олган ингилзлар, испанлар ва кейинроқ рус мустамлакачилари: "Маънавий бой бўлишинг нимага керак: биринг икки бўлмайди, болаларинг оқ қолади. Сен моддий тарафдан бой бўлиш, қалб тарбиясини йиғиштириб, моддиончиликка берилгин, Фарғ бу йўл туғайли тараққий қилди", деган ёлғончи, ёт гоғни сингдиришди. Натижада Курьондан аста-секин чекинш юз берди, чунки одамлар очқўзлиги туғайли бой бўла бошлади. Фарғ гоғларни ҳамда технолоғиялари ахлоқ ва маънавиятдан қули қилди. Шарқ олами қалб билан нафсинг қурашида боши ерга теги ва ютказди. Тариқатлар йўқола борди. Бу эса Шарқнинг таназзулини бошлаб берган омирлар эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг учинчи Ренессанс асосларини яратиш босқисиди ўта муҳим, айна пайтда, мураккаб вазифани кун тартибига қўйилган негизда ана шу тартибдорни қайта кўтариш вазифаси ётибди. Бу эса мамлакат-

Маълум академияси 1004 йилда ташкил топди. Академия атиги ўн уч йил (1004—1017) фаолият олиб борган бўлса-да, XI асрда Марказий Осиёнинг Ренессанс марказига айланишини таъминлаб берди. Бу даврда сарой нотинч, ташқи хавф-хатарлар кучайган замон бўлишига қарама-дан, ўз халқининг истиқболини ўйлаган маърифатпарвар хоразмшох олимларни моддий жиҳатдан тўлиқ таъминлаб турган. Алломалар амалга оширган аниқ фанлардаги кашфиётлар ўн аср давомида бутун инсониятга хизмат қилиб келиши барабариди, ўзбек халқининг жаҳон миқёсидидаги нуфузини дунёга кўз-кўз қилмоқда.

Ўшбу тарихий маълумотларни келтиришдан мақсад, бугун Президентимизнинг учинчи Ренессанс асосларини яратиш ҳақидаги илгор гоғларни ўз вақтида қўйилган вазифа эканлигини яна бир бор таъкидлашдир. Агар биз мавжуд муаммоларни хал қилганимиздан сўнг, Ренессанс ҳақида ҳам қотиримиз, деган фикрга келсак, битта жойда депсиниб турамиз ва муаммолар қўламининг янада кенгайишидан нарига ўта олмаимиз.

"Кўрдимки, экмаган ўрмайди", дейди шайх Нажмиддин Кубро. Улуғ ишларга қадам қўйган фуқароларимиз меҳнатларининг мевасини қўришимиз чиндан хоҳласа, қалбига билим, қаноат, жасурилик урғуларини экиб, уни доимо парварилаш бормоги лозим.

Олдимиздаги долзарб вазифалар

Юртбошимиз 2020 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган Ёшлар форумида минбардан туриб, навқирон авлодга қарата "Ёшлик — умринг энг бебаҳо даври. Илм ва билим — ўтда ёнмайдиған, сувда чўкмайдиған, ҳеч ким сиздан тортиб олмайдиган аjoyиб экинни асло унутман!" деган аjoyиб ўғитларини айтди. Шунингдек, болаларнинг таҳлили ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ҳақида гапирилди.

Пандемиядан кейин давлатимиз раҳбари янги хизматларни ва иш ўринларини очишга жуда мос тушади. Дунёда пандемия шaroитида ўнлаб касблар йўқолиб, яна шунча касблар пайдо бўлмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ мактаблар, лицейлар, техникумларни очсак, у тезда ўзини оқлайди ва янги иш ўринлари ўз-ўзидан яратилади.

Фикримизча, учинчи Ренессанс асосларини яратиш ушбу муҳим вазифаларни ўз ичига қамраб олади: биринчидан, илм, маърифат ва маънавиятни юксак даражада ривожлантириш учун мактабга катта маблағларни сарфлаш; иккинчидан, маблағларни ўзлаштирадиган замонавий тафаккур салоҳиятига эга, фидойи, ватанпарвар тадқиқотчилар ва етуқ маърифий тарғиботчиларнинг армиясини шакллантириш; учинчидан, илм, фан ва маърифат соҳасида кўлга киритилган натижаларни мамлакат тараққиётига, миллат ҳамда халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтириш билангина таваққули тadbиркорлар ва но-аънавий (креатив) услубга эга бўлган бошқарувчиларни топиш; тўртинчидан, Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқий бозори (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, бадий адабиёт, кино, санъатга оид муаллифлик ҳуқуқи эгалари) га уларнинг сотилган, телеэфирга узатилган махсуслотларига доимий ҳақ тўлаб бориши шакллантириш ҳамда республика-мизда илмий натижаларни, ихтироларни тижоратлаштиришнинг самарадор механизмининг қалбий руҳий тарбиясини шакллантириш, уларни ақлий меҳнатга ўргатиш, эътиқодини кучайтириш кўнмакисини боғча ва мактаблардан бошлаш; олтинчидан, мамлакатимизда "Ўстоз — шогирд" аънанасини тўлиқ тиклаш; еттинчидан, таълим тизимининг жамиятдаги амалий эҳтиёжлардан узилиб қолганини, ижтимоий фанлар (инсон қалби, маънавий олами ва эътиқодини шакллантириш) соатларининг қайтаги бораётганига бар-

ҳам бериш каби муаммоларнинг ечимини тегилида топиш.

Телеканалларда дунёни лол қолдирган Нобель муқофоти соҳиблари, машҳур композиторлар, rassомлар, шоирлар ва адибларнинг ҳаётига бағишланган қисқа метрражи фильмлар намойиш этилади. Инсоннинг эволюцион ўсиш нўқталарига моҳирона тасвирга олинган санъат асарлари ҳар қандай кишини фикрлашга, янгича қарашга даъват қилади. Шу ўринда бир савол қийнади: буюк аждодларимиз ҳақида шундай фильмлар яратишга қурбимиз етмайдими?

Ислохотларнинг олдинги сафида ўрта синф ва сиёсий элита боради, биз мустақиллик йилларида ушбу қатламларни шакллантиришга улғурмадик ёки яхши шакллантириш олмадик. Демак, Ренессанснинг амалга оширувчи, жамиятнинг ордидан эргаштирувчи қатламга эҳтиж ортиб бераверади. Бу — биринчидан. Иккинчидан, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия таърибасида қўрилганидек, агар соҳага уруғ бермасдан, замонавий хизматларнинг сони ва сифатини кўпайтиришга ўтишимиз керак.

Пандемиядан кейин давлатимиз раҳбари янги хизматларни ва иш ўринларини очишга улкан маблағ ажратаётгани даврининг талабига жуда мос тушади. Дунёда пандемия шaroитида ўнлаб касблар йўқолиб, яна шунча касблар пайдо бўлмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ мактаблар, лицейлар, техникумларни очсак, у тезда ўзини оқлайди ва янги иш ўринлари ўз-ўзидан яратилади.

Сир эмас, хорижда шижоатли тарғиботчи иқтисодчиларнинг энг муҳим тармоғига айланиб, сёрвсларнинг ялғи ички махсуслотга улуши ўртача 65 фоизни ташкил этса, мамлакатимизда у 35 фоизга тенг, лекин 86 фоиз қўшилган қиймат шу соҳада вуждга келмоқда. Хизматлар соҳасида (туризм, меҳмонхона, ўқув, молия-иқтисод, қурилиш, консалтинг ва ҳокзо) кам харажат сарфлаб, ишлаб чиқаришга қараганда 3-4 барабар кўпроқ фойда олиш имкони мавжуд.

Хозирги пайтда онлайн хизмат кўрсатуви компаниялар учун 6,2 миллион ўқувчига эга Ўзбекистон — йирик таълим бозоридир. Пулдор инвестор ва тadbиркорлар келажакни олдиндан кўра билса, таълим улар учун пул тикадиган қули соҳа бўлиши мумкин. Глобаллашув шaroитида замона шўбоб билан тешламоқда. Яқин йилларда "рақамли дарслик", "виртуал сумка", "онлайн мактаб", "рақамли диплом", "рақамли ўқитувчи" каби атамалардан кенг фойдалана бошласак, ҳеч ажабланмаймиз. Аммо бундай инновацияларни янгиликларни қабул қилишга ҳам тайёрларлик қўришга тўри келади.

"Илоҳи, гафлат уйқусидамен, бедор қил..."

Хотима ўрнида миллатдан олдин қадимги Хитой тарихидан бир ибратли мисолни келтириб ўзимиз. Машҳур файласуф Конфуций Сиз-Чун исмли шогирдининг "Давлатни қандай бошқармоқ даркор?" деган саволига ўйлаб туриб, шундай жавоб берди: "Давлатни тўғри бошқармоқ учун қумдор — қумдорлигича, амалдор — амалдорлигича, ота — оталигича, ўғил — уғаллигича қолмоғи лозимдир".

Демак, ҳар бир раҳбар ва оддий фуқаро касбини севishi, ўз ишининг моҳири бўлиши, юрт равнақи учун зиммасидидаги вазифаларни виждонан бажариши шарт! Шундагина фаровон жамият қураимиз.

Юртбошимиз бугунги мураккаб шaroитда жамиятнинг элитаси бўлган шахслар, яъни зейблар ва ўрта қатламдан ўзига маслаҳатдошлик, ҳамфикрликлик, фидокорлик, юртсеварлик ҳамда бир мушт бўлиб бирлашмоқчи истамоқда. Давлатимиз раҳбарининг "жамият ҳаётининг жони ва руҳи маънавият", деган фикри замирида оқ-қорани таниган, давр синовларидан мардона ўтган, илми ҳамда маърифатли юртдошларимизни ёшларни маънавий тарбиялаш, уларни ҳаёт синовларига маънан ҳозирлашда фаоллик кўрсатишга ундаш бор. Ахир япон, корей, сингапурлик фуқаролар ҳам тўкин жамиятини қуриш учун ўн йиллар кеча-ю кундуз тиним биллишмаган...

Хазрат Навоий демишлар: "Илоҳи, гафлат уйқусидамен, бедор қил ва жаҳолат мастлиғидан, ҳушёр қил". Азиз юртдошим, гафлат ва жаҳолатдан тезроқ қутулиб, миллатининг дардларига дармон бўлайлик!

Бахтиёр ОМОНОВ,
Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари
университети профессори,
сиёсий фанлар доктори.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 31 515 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎБЎЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сазифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳас — Ш. Махраббеков.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.30 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6